

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 3 СЎМ



Бул ажаб, хор кимсадин имдод сўрайди хорлар,
Сиз бемор кўксига бош урмангиз, эй беморлар...
Абдулла ОРИФ

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

(59) 41 «Оила ва жамият»

Бир куни

«ПУЛИМНИ ЎҒИРЛАТИБ ҚЎЙДИМ»

Бу аёлни аввал ҳам шу ҳолатда, йиғлаб турганини кўрмаганимда юракдан ачинардим. Лекин...

Тўғриси, аввалига мен ҳам бошқаларга қўшилиб унинг қўлига беш сўмлик тутқаздим. Ишондим-да. Ким ҳам қараб тура олади? Айниқса, бизнинг юртда. Унинг кўзларида ҳасрат, ёш тўла эди. Зўрға «рахмат» деб қўйди ўрчисалаб. Кейин... Эртаси куни уни яна кўрдим. Бир кун аввал Навойи йўналишида қатновчи вагонларда эди. Бу гал эса «Пахтакор»да.

Бирдан танидим. Кўзларимга ишонмайман. Енида сочлари пахмоқ, юпунгина

кийинган қизалоқ ҳам ўша. Тавба, дейман. Ахир кечаям бугун... зориллаб айтаётган гапларини эшитмовдимми?! «Азизлар, Тошкентга меҳмон бўлиб келувдим. Уч кун бўлди. Вокзалда пулимни ўғирлатиб қўйдим. Чипта сотиб олишга етмаяпти. Ёрдам беринглار. Масковга етиб олай. Қилган яхшиликларингни сира унутмайман...»

Йўловчилар ҳам ҳайратда. Бир-бирларига шивирлаб қўйишади. «Вой бечорагина-ей, киссовурлардаям инсоф деган нарсаси қолмади-да ўзи. Шу мусофирниям талашадими-а?»

Барибир раҳмдил, ишонувчанми. Бирпасда яна ўша

кунги ҳолат такрорланди. Биров бир сўм, бошқаси беш сўм, яна кимдир ўн сўмлик узатди. Поезд сўнгги бекатга келиб тўхтади. Ҳамма ҳар томонга тарқалиб кетди. Мен эса атайлаб уни кузатдим. Йўқ, у ҳеч қаёққа чиқмади. Уриндиққа бемалол ўтириб олиб, тушган пулларни санади-да, сумкасида салди. Кейин бўш вагонларни тўлдираётган оломон орасига ўзини урди. Қўлогимга яна ўша аёлнинг йиғламсираб айтган таниш сўзлари эшитилди: «азизлар, пулимни ўғирлатиб...»

Норқобил ЖАЛИЛ



Суратчи: А. ЖУМАЕВ

«Оддий қишлоқ қизлари каби 1979 йили ҳамқишлоғим, Камолитдин Сатторов исми шарифли йигитга турмушга чиқдим. Бу фурсатда беш фарзандлик бўлдим. Сўнгги икки болам операция йўли билан туғилди...

Эримнинг баджаҳллиги ва енгилтаклиги боис бирор йил ҳам тинч яшай олмадик. Урадиган одат чиқарди. Сал кам икки йил бўлди турмушимиз бузилганига. Мени айбисиз калтаклашлари одат тусига кириб қолгач, бир гал уйдан ҳайдагани учун бизни ажратиб қўйишларини сўраб Қишлоқ советига ариза билан мурожаат қилдим. Лекин, у ердагилар эримдан «урмайман, қийнамайман» дея икки марта тилхат олиб яраштириб юборишди. Кейин ҳам бир сафар маҳалла қўмитамиздан келиб, яна яраштириб кетишди.

Лекин кейингилари, яъни, 2 октябр (1990 й) куни ярим кечаси ичиб келиб, ҳеч бир сабабсиз «бола-чақанг билан йўқол, уйни бўшат» деб қаттиқ калтаклагани ўтиб кетди. Калтак зарбидан ҳушимдан кетиб қолбман. Унг қўзим мушт зарбидан шишиб, кўкариб кетди, инграниб тонг оттирдим. Ушанда операция билан туғилган фарзандим Анаваржон беш ойлик эди. Эртаси куни ўлмай, қолганимга шукур қилиб, болаларим билан ота-онамникига кетиб қолдим. Лекин улар, «беш фарзандинг бор, биз нафақада бўлсак, энди уят бўлади» дея уйимизга олиб бориб қўйишди. Эрим жазавага тушди. Фарзандларимни ўйлаб «кетмайман» деб туриб олдим. Кейин эрим отасини олиб келди. Қайнотам ҳам ҳақорат билан ҳайдади. Чидадим... 4-октябр эрим ишдан кеч қайтди. Кетмаганимни қўриб, бошқа хонага ўтказиб жаҳлидан тушгунча урди. «Эрталаб кетаман» дея ёлвориб, зўрға қўтулдим. Эртаси беш боламин олиб Боботокқа — қариндошимизникига кетдим. Уч кундан сўнг ота-онам

УЙИ ДАН

ҲАЙДАЛГАН ОНА

хабар топишган чоғи, келиб олиб кетишди.

Бошим қаттиқ оғрир, аъзойи баданим зирқирарди. «Тез ёрдам» машинасида шифохонага олиб боришди. У ердан рентген қилиб, милицияга жўнатишди. Эрим паспортимни бермаганлиги учун суд экспертизасидан ўтолмай, уч кун сарсон бўлдим. Икки ишлар бўлими бошлиғи Эргашев эримни қақриб «сен беш бола билан бу аёлни айбисиз калтаклаб ҳайдабсан, албатта қамаласан» деб қаттиқ қойинди.

Йил ўтиб кетди ҳамки, ҳамон сарсонман. Бу вақтда экспертиза хулосаси ўзгарибди... Халқ суди раиси Алиқуловга ҳам учрадим. Бош прокурор Мирзаевага ҳам мурожаат қилдим. Уйда беш болам бўла туриб, 30 км масофага қатнаб юришнинг ўзи бўлмаслигини тушунсангиз керак. Ҳеч ким чора кўрмаганидан бўлса керак, у иккинчи бор уйланиб олди. Ҳатто, никоҳимиз бекор қилинган ҳам эмас.

Ҳозир болаларим билан ота-онамникида яшайман. Уларга оғирлигим тушяпти. Бешта болам етим қолсаю, ҳеч ким айбдор бўлмас. 1984 йили ошхонани, 1987 йилда молхонани, 1989 йили эса беш хонали уйни бирга яшаб қурганимиз. Бу уйга ҳаққим йўқми? Суд ходимлари «уй эрингизнинг номида, у сизга тегишли бўлмайди,

қорамолларингиз эса қишлоқ советининг рўйхатида йўқ экан, битта ҳам мол ҳисобга олинмайди» дейишди. Эрим икки йилдан бери ҳеч жойда ишламайди, беш болага бир ойда 100 сўм алимент тўлайди, холос... Ота-онам нафақада. Нонини ҳалол еган деҳқон боласиман...

Маҳкаматш ДОНИЕРОВА Сўрхондарё вилояти, Қизилшарқ қишлоғи.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мактуб тугагани йўқ, у жуда узун. Тўғриси, бундай хатларнинг кўпи хатлар бўлимининг галладонларида қилиб кетишга мажбур. Сабаби аниқ: уларга ёрдам беришга имкониятимиз йўқ. Биринчидан, биз юридик ташкилот эмасмиз, иккинчидан ҳар бир хатни ўрганиб чиқиш учун муҳбирларнинг вақти, газетнинг пули етмайди. Сиз газетдан нолиманг. Бундан буюн ночор аҳволда қилиб кетмаслик учун ҳаракат қилинг. Нега!

Илгариги замонларда ҳамма шарият қонун-қоидаларига бўйсуниб яшаган, шарият қонунларини бузса шунга яраша жазосини олган. Илгарилари ҳар бир қалбнинг худоси бўлган. У одамларни иймонли бўлишга, инсофга қақириб турган. Худосиз қалблар — «худодан қайтганлар» ҳам бўлган, албатта. Лекин улар жуда камчилик эди. Зеро бундайлардан эл ҳазар қилган. Иккилобдан сўнг ша-

Етти кун

САВОБ

Узининг савобталаб ишлари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳур Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ Академияси Тошкентда яна бир хайрли тадбир — қариялар учун хайрия концерти ўтказди. Концертдан олдин мингга яқин отахон ва онахонлар тўкин дастурхонга таклиф этилди. Концерт сўнггида эса уларга бир тўпдан оппоқ чойшаблар совға қилинди.

Қариялар шу куни уйларига болалардай хурсанд бўлиб қайтишди.

ЭНГ ЗҲР ОБРАЗЛИЛИК ҚАЕРДА!

Кеча Езувчилар уюшмаси қошида Абдулла ҳожи ОРИФ мактаби иш бошлади. Яқто мактабининг ягона муаллими дарсидан турфа ёшдаги сабоқдошлар беҳад маза қилишди. Шунчаликки, «мазахўрак» ўқувчиларининг «...яна шеър ўқинг...» деган талаб-тамшанишларидан шоир бобо беҳос ёққан ёмғир тўфайлигина аранг «қочиб қутулди».

— Энг зўр образлилик Қуръонда экан, — деди улўғ муаллим «қочиб» кетатуриб.

БОЗОР ВА... МУҲАББАТ

Ҳамкасбимиз, Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлигининг муҳбири Акбар Сирождидинов уйланиш арафасида; кўёв бўлғуси қайлиғи билан Қўқон чайқов бозоридан топишди, — деб хабар беради жамоатчи муҳбиримиз Ҳамид Кимсанбой ЎҒЛИ.

ИШТОНСИЗ ҚОЛИШДИ

Табият муҳофазаси идораси ходимлари Хоразмдаги сув ҳавзаларидан бирида қонунсиз балиқ тутётган гуруҳга дуч келишди ва соҳилда ечиб қолдирилган кийимларни гаровга олиб кетишди.

Маълум бўлишича, иштонсиз қолган «балиқчилар» — шу ерлик мелисалар экан.

«АРЗИНГНИ МИНГБОШИГА АЙТ!»

Иштихондаги Бўронхўжа туманида бошқарувнинг эскича усулига ўтилди. Қишлоқ аҳли ўзларига элликбоши, юзбоши, мингбошини сайлаб олдилар.

АСР ЎҒИРЛИГИ

Олтиариқнинг Полосон қишлоғида янги уй қўраётган жаноб кечқурун сомонсувоқ учун лой тайёрлаб қўйди. Эрталаб туриб кўзларига ишонмади — лой ўрни бўм-бўш эди! Уни янги «участка» қўраётган шоввозлардан бири иморатига сувоқ қилиб юборибди. Сувоғи қуриб улгурмаган уйлар кўп эди — ўғрини аниқлаб бўлмади.

Полосонлиқлар бир нарсасига ҳайрон: «Икки кўнлик лойни қандай қилиб бир тунда тинчитган!»

рият қонунлари ўрнига шўро қонунлари жорий қилинди. Комфирқа қалблардан худони қувди. Одил ҳакам — Худолик даъвоси билан чиқди. «Партком», «райком», «обком», «Цека» [ЦК] деган «худо»лар пайдо бўлди. Сўнгги сўзин улар айта бошлашди. Уларнинг гапи қонунни мўтлақ эди. Энди улардангина нажот кута бошладик. Чорасиз қолганда бордик — улар баъзан марҳамат қилди. Бугун йўқ ўша комфирқа, лекин кўп қалбларда Худо ҳам йўқ. Қонунлар-чи, қонунлар бор-ку, дерсиз. Ҳамма бало шунда-да. Шўро тузуми даврида қонунлар комфирқа қўлида ўйинчоқ эди. Бугунги ҳуқуқий кўрлигимизнинг сабаблари ҳам ана шунда.

Биз эндигина ҳуқуқ негизида яшайдиган жамиятни қуришга киришдик. Бундай жамиятни эса ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини танигандагина қуриш мумкин. Ҳа, маърифатли халққа айланмас эканмиз, забунликида яшайверамиз. Маърифат эса аввало эл оғаларидан бошланади.

Хўрматли муштарий Маҳкамтош Дониерова! Бевосита Сизнинг масаланизга келсак, маслаҳатимиз, аввало кўнглингизни кенг қилинг, собиқ эрингиз фарзанд, оила олдидаги бурчдек муқаддас туйғунни унутиб гумроҳлик қилган бўлса, худонинг у кишига ҳам атаб қўйган жазоси бордир. Мулк тўғрисида. Сиз ўзингиз яшайдиган жойдаги юрт катталари ҳузурига яна бир бординг. Аввал тинглашмаган бўлса, энди тинглашар. Эҳтимо, Сиздан ҳам ўтгандир — ётғини билан тушунтирмагандирсиз. Замон яхшилик томон ўзгараёпти.

УЗМАНГ ДЎСТЛИК ТОРИНИ

1. Дўстингиз сизни гафлатда қолдирганими? — Ҳа — 0, йўқ — 10 очко.
2. Кишиларни кўп нарсани билади, деб ҳисоблайсизми? Ҳа — 10, йўқ — 0.
3. Саёҳат қилишни хуш кўрасизми? Ҳа — 0, йўқ — 10.
4. Жамоани яхши кўрасизми? Ҳа — 10, йўқ — 0.
5. Бирга яшайдиган қўшниларнинг ҳаммасини биласизми? Ҳа — 10, йўқ — 0.
6. Қуйидаги фикрларни тўғри деб ҳисоблайсизми?
7. Оғир пайтда сизни, ҳатто энг яқин дўстингиз ҳам ташлаб кетади. Ҳа — 0, йўқ — 10.
8. Дўстлик фойдасиз. Ҳа — 0,

- йўқ — 10.
9. Дўстлардан кўп нарсани талаб қилиш тўғри эмас. Ҳа — 10, йўқ — 0.
10. Дўстинг қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ҳа — 0, йўқ — 10.

ҲИСОБЛАНГ:

Очколар сони 30 дан ошса, демак, дўстларни қийинчилик билан топасиз. Яхши дўст бўлишингизга эмас, ҳақиқий дўст учратишингизга ишонмайсиз. Кўпроқ одамларга ишонасиз.

Очколар сони 32 дан 60 гача: сиз одамларни яхши биласиз ва уларнинг дўстлигини қозона биласиз. Дўстларингиз бор. Ҳақиқатан ҳам, уларга ишонсангиз бўлади. Сиз улар-

ни оғир вазиятда қолдирмайсиз. Ҳаётда ҳамма вақт омад кулиб боқмаса ҳам хафа бўлманг. Ахир сизнинг ҳақиқий дўстларингиз бор.

Очколар сони 61 дан юқори: дўст топиш сизга муаммо эмас.

Сизда улар шунчалик кўпки, санаб ўлгурулмайсиз, қийинчиликсиз топасиз уларни. Лекин, баъзи бир сабабларга кўра, уларни тез алмаштираёсиз ва осонгина йўқотиб қўясиз. Нега!

Дилшод Саид МУРОД ўғирмаси

Дераза

ҚУТҚАРДИ

Аксарият қизилўрдаликларнинг фикрича, оилалар эрлар мушти зарбидан ажралмоқда. Бироқ акси ҳам бўлиб турар экан.

Вилоят марказидаги судлардан бирида ажралиш ҳақидаги иш кўрилмоқда эди. Суд сўрайди. Жабрдийда эр бошидан ўтган ситамларни оқизмай-томизмай баён қила бошлади. Хотин ҳам қараб турмади — айлантириб солди. «Айтмадимми!», дея олди холос, ерга қулаб тушган эр.

Аҳволни кўрган судя ўша заҳоти ажрим чиқариб юборди.

АҚЛ... ЧИНДАН ҲАМ БОШДА!

Москов кампирлари бозор сирларини ўзлаштиришда ишбилармон хонимлару жанобларни ортда қолдирмоқда. Улар автомат телефон ёнида туриб олиб, 15 тийини 5 сўмдан пуллашмоқда. Кунлик тушум чакки эмас, камда 500 сўм. (РТР).

КЎНГИЛЛИЛАР

Комсомолск-Амур бозорида кун бўйи пештахталар оралигида виқор билан кезувчи 15-16 ёшли ўспиринлар пайдо бўлди. Улар, шум ниятдагилар ва дайдилар сал бежо қадам олдим, каратэ усулини ишга солмоқда.

Ўзлари айтишича, ўспиринлар «момоларини кўриқлашаётган» экан. Момолар эса: «Урин учун ҳар биримиздан 50 сўмдан шилишмоқда», деб кўз ёш тўкмоқдалар. (С—Я)

КОТИБАНИ СЕВМАНГ

Ахборот дунёдаги энг қиммат баҳоланадиган товар ҳисобланади. Шу боисдан хорижда тижорат сирлари, интеллектуал мулк, умуман ахборот ўта сир сақланади. Бироқ АҚШ савдо палатаси маълумотларига қараганда, биргина Америкада хизматчиларнинг кўзбўямачилиги ва ўғрилиги туфайли ўз фирмаларига етказётган йиллик зарар 40 миллиард долларга тенг.

Ит эгасини танимай ётган СНГ мамлакатларидаги аҳвол ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бу ерда ҳатто латифанамо ҳодисалар ҳам содир бўлиб турибди. Масалан, Масковдаги йирик фирмалардан бирида котиба шефи — директорни севиб қолди. Маъқул келмаган шекилли, фирма кенгаши директорни ишдан бўшатди. Маъшуқа эса ўз севгилиснинг ўчини олиш истагида бошқа бир фирмага корхона ҳақидаги муҳим ахборотни бериб юборди. Натижада компания хонавайрон бўлди.



ЎЗА сурати

Эълонлар

30 ЁШДА

Тошкентликман. Турмушга чиқмаганман. Бўйим 165 см, Олий маълумотли ўқитувчи-ман. Бичиш-тикишни, саранжом-саришталиқни яхши кўраман. Ота-онам билан яшайман. 30—35 ёш орасидаги очикқўнгил, ростгўй, келишган, соғлом, Тошкентда яшовчи [уй-жойи борлигининг аҳамияти йўқ] ўзбек йигити билан танишиб, бахтли оила қуриш ниятидаман. [Фарзанди бўлса ҳам майли]. Суратим эълонлар бўлимида. «Оила-113» сурат ва мактубларингизни кутади.

32 ЁШДА

Оилам билан ажрашганман. 12 яшар ўғлим бор. Маълумотим ўрта. Касбим қандолатчи. Ота-онам билан тураман. Ёши 35—40 ораси-

даги ичмайдиган, уй-жойли, ўғлимга оталик қиладиган киши билан оила қурмоқчиман. «Оила-114» га ҳат ёзинг.

59 ЁШДА

Хотиним вафот этганига 23 йил бўлди. Болаларим ўзидан тинчиган, фақат битта ўғлим бор, уйланмаган. Ёши 40—50-лардаги худони тан оладиган инсофли, саранжом-саришта аёл [фарзанди бўлса бош устига] билан қолган умримни бирга ўтказсам, дейман. Ўғлимга оналик қилса, бирга уйлантирсак дейман. Уй-жойдан камчилигим йўқ, Тошкентда яшайман. Ёгочни қайта ишлаш комбинатида ишлайман. «Оила-115» мактубларингизга мўнотазир.

28 ЁШДА

Тошкентликман. Ажралганман. Ун нафар фарзандим бор. Ёши 35 дан ошмаган, болаларимга оталик меҳрини бера оладиган инсон билан оила қуриш ниятидаман.

Қаерлик бўлишининг аҳамияти йўқ. Шахсий уй-жойим бор. «Оила-116» мактубингизни кутади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ГУЛНОЗА опа! 10-октябрь кунини 19 ёшга тўлишининг кунини билан чин қалбидан табриклайман. Сизга узоқ умр, ишингизда омад, хонадонингизга ҳамisha тинчлик — 10-туваллик тилаб сизнингиз НАРГИЗА ҒАНИЕВА. Самарқанд. Челақ тумани.

Дўстимиз Фурқатжон! Сизни қутлуг 23 ёшингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиз хат-саломатлик тилаб, дўстларингиз Паҳлавон, Азиз, Дилмурод. Тошкент шаҳри.

Хуррам аҳа! 26 ёшингиз билан қутлаймиз! Ўйингиз доим



нурга тўлсин, бахт ва омад ҳамisha йўлдошингиз бўлсин. ЗЕБО, ХОНБУВИ, ШАҲРИЯ

Қизим Дилфуза! Сени 13 октябрда 10 ёшга тўлишининг муносабати билан оиламиз номидан табриклайман. Сенга сизат-саломатлик, бахт-саодат, ўқишларингизда улкан ютуқлар ва баланд иқбол тилаб қолувчи دادанг АБДУСАЛОМ.

Хурматли Онажоним! Таваллуд айёмингиз муборак

бўлсин. Илоҳим фарзандларингиз ва ота-онамиз бахтига узоқ умр кўринг. Қизингиз ШАҲЛО. Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри.

ЭЪЛОНЛАР ПУЛЛИК

«Танишув» эълони баҳоси 25 сўм, Шунингдек, «Табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари қуйидаги тартибда белгиланган: 1 босма белгисининг (харф, тиниш белгиси) баҳоси бир сўм. Табрик сурати билан берилса, битта суратнинг баҳоси — 100 сўм. Эълон бир ой мuddатда чиқарилади.

Ун кун муҳлат ичида бериладиган эълонлар икки баравар қиммат.

Эълон учун тўланадиган пуллик почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли билан қуйидаги манзилга жўнатиш: 700029, Тошкент — 29, Намойишлар хиббони, 1-уй. «Оила ва жамият» таҳририятига.

Эълонлар таҳририятда ҳам қабул қилинади.

(59) 41 «Оила ва жамият»

Дарсинг охирида турли мавзуда савол-жавоблар бўлди.

Адабиёт муаллими Шокир аканинг одати шунақа — дарсдан сўнг озгина суҳбатлашди ўқувчилари билан.

Бугунги суҳбат ёлғончилик, қасам ичиш ҳақида кетди.

— Қасам нима? Одамлар нега қасам ичадилар? Нимага қасамдан қўрқадилар? Баъзи одамларни ёмонлашса, э, бу қасамдан ҳам қўрқмайди, дейишади. Нега шунақа-а?..

Шу каби саволлар, фикрлар бўлди. Шокир ака уларга ўзи билганча, тушунганча жавоб берди.

— Қасам билан ёлғон эгизак, — деди Шокир ака. — Кимки ёлғончи бўлса, ўша қасам ичади. Бу билан у ёлғонни яшироққа ҳаракат қилади. Демак, ёлғон гапиргани бир гуноҳ эса, қасам ичиб иккинчи гуноҳга қўл уради. Ҳадеб қасам ичаверган одамда субут, тайин қолмайди, одамлар ундайларга ишонмай қўядилар. Қасам ичининг оқибати яхшиликка олиб келмайди... Хуллас, болалар, бу ҳақда гапирамиз десак гап кўп, мисоллар ҳам исталганча топилади. Вақтинчалик хушроқ-ҳаловат деб ёлғон гапирган, қасам ичган, кейин эса минг-минг пушаймон қилган одамлар тарихда қанча.

Сиз билан биз ўшаларнинг қисматидан сабоқ олишимиз керак...

Охириг дарс бўлгани учун савол-жавоб тугаши билан ҳамма уй-уйига жўнади. Эргашни чуқур ўй босди. Ҳозиргина бўлган гапларни ўзича мулоҳаза қилиб кетди. «Чинданам одамлар нега ёлғон гапираркан-а? Нимага бир-бирларини алдайдилар? Кейин ўзини оқлаш учун қасам ичса, Қасам ичиш ёмон одат эканини билмайдими? Билса керак, кап-катта одамлар билмай бўпти...»

Унинг боши гавлаб кетди. Ўйлаб ўйига етолмади. «Ёки Шокир ака айтганчалик ваҳима эмасмикан-а? Агар шунчалар ёмон бўлса, одамлар ўзларини тиймасмидилар? Кимга қарасанг, ёлғон гапирди. Ёлғон гапирманлар, деб болаларни уришадилару, ўзлари ёлғонни сувдай симиришади.

Дарвозадан кирди-ю тўғри бувиси ўтирадиган айвон томонга йўл олди. Унинг маслаҳатгўйи бувиси, қачон нима тушунмаса, қайси нарсаси ақли етмаса, бувисидан сўрайди. Бувиси эса унга эринмай жавоб беради, тушунтиради.

Эргаш болалигидан бувисига ўрганиб қолган. Дадаси билан онаси ишга эрта кетиб, кеч келгани учун доимо бувисининг ёнида қоларди. У ёлғиз фарзанд бўлганили сабабли бувиси боғчага ҳам бердиртирмаган. Ўзим қарайман болагинамга, деб олиб қолган. Шунинг учунми, Эргаш дадаси билан ойисидан кўра бувисини ўзига яқинроқ олади, ундан ҳеч нарсани яширмайди. Биринчи синфга ҳам бувиси олиб борган. Уч-тўрт йилгача ота-оналар мажлисига, ҳам бувиси қатнаб юрди. Бир йилдан ошди — бувисининг соғлиги анча ёмонлашиб қолди — оёғи қаттиқ оғрийди, кўп юролмайти, шундан бери гоҳ дадаси, гоҳ ойиси боради мажлисга.

— Ассалому алайкум, бувижон! Яхши ўтирибсизми? Зерикамаяпсизми?

— Раҳмат, болажоним. Ўзинг чарчамай ўқиб келдингми? Бугун неччи баҳо олдинг, болам?

Бувиси билан ҳар кўни ана шундай савол-жавоб бўлади. «Тўрт-беш» олган кўни Эргаш хурсанд кириб келади, бувисини ўпа кетади. Уч олиб қолса (бундай кун кам бўлади, албатта) бўшашиб киради дарвозадан. Бундан бувиси ҳам билиб қолган — у дарвозадан кириши билан неччи олганини билади, аммо шунга қарамай одатини тарк этмайди — неварасидан қандай баҳо олганини суриштиради.

Бугун Эргаш бирмунча шалвираб кирди, ҳатто «уч» олган кунлари ҳам бунчалик бўлмасди аҳволи. Бувисининг юраги шигиллади: бу ё «икки» олган ёки мазаси йўқ. Эргаш айвонга яқинлашиби билан ҳали салом бериб улгурмасдан саволга тутди:

— Ҳа, болам, сенга нима бўлди? Жуда кўринишинг бошқача, тинчликми ишқилиб? Е бирон жойинг оғрияптими?

Эргаш туфлисини ечаркан, «Йўқ, ҳеч қаерим оғримаяпти», деди.

Гап нимада эканлигини бувиси тушунди: «Демак, бугун «икки» олган. Неварасининг кўнлини кўтармоқ ниятдади:

— Ҳечқиси йўқ, ўғлим, бугун «икки» олган бўлсанг, эртага тузатарсан, сиқилма. Даданг билан ойингга билдирмаймиз...

Бувисининг гапларидан Эргаш ҳайрон:

— Нималар деяпсиз, буви? Ким «икки» опти? Қачон? — деди бир оз чиройи очилиб.

Неварасининг чиройи очилганини кўрган бувиси ҳам сал ўзига келди.

— Бўлмаса нимага бунча хомушсан? Аҳволингни кўриб «икки» олган бўлсанг керак, деб қўрқиб кетдим-да, болам.

Эргаш қулди, «икки» олмаганини, аксинча бугун иккита «беш» олганини, ҳеч қаери оғримаятганини ҳам айтди.

МАМАТҚҮЛ ҲАЗРАТҚҮЛОВ

ҚАСАМ

Сўнгра кайфияти бузилгани сабабини гапириб берди.

— Йўлда келгунча шуни ўйлаб келдим, буви, — деди. Ўқитувчисининг гапига ишониш керакми, деб иккиланиб қолганини ҳам яширмади.

Бувиси унинг гапларини эшитиб ўтирди-да, узоқ жим қолди. Эргаш ҳам миқ этмади.

— Эргашжон, болам, — деди ниҳоят узоқ сукунатдан кейин, — агар сен менинг неварам бўлсанг бу масалада ҳечам иккиланма. Ёлғон гапирши, аиниқса қасам ичиш жуда ёмон иш. Бунга ўрганиб қолган одам кейин ундан қўтулполмайди. Бўса-бўмаса қасам ичаверади. У ўзича нималарнидир ўйлар, ҳаёл сурар эди. Эргаш бувисининг фикрини қалғитмаслик учун индамай ўтирибди. Буви оғир хўрсинди.

Сўнгра сўзида давом этди: — Биласанми болам, қадимда бир киши бўлган экан. Ўша одам доимо ёлғон гапираркан. Ёлғончилигини ҳамма билар, унинг гапларига ҳеч ким ишонмас экан. Бунинг устига ўйламай-нетмай қасам ичавераркан. Қасам ичаркану эртасига яна ўз билганидан қолмаскан.

Бора-бора одамлар уни қасамхўр деб қақирадиган бўлишибди. Тўйларда, маъракаларда уни кўпчиликка қўшмай қўйишибди. Қаерга борса ёлғиз ўзи борар, ёлғиз ўзи ўтирар экан.

Саратон кунларининг бирида айни пешин чоғи кўчада ёлғиз ўзи иссиқда терлаб-пишиб бораётса олдидан оппоқ соқоли бир чол чиқпти. Унинг соч-соқоли, кийимлари қордай оппоқ эмиш. Улар рўпара келганда ҳалиги киши беихтиёр нотаниш чолга салом берибди. Аслида у бировга салом ҳам бермас, қасамхўрлиги элга ёйилгач, у билан ҳеч ким саломлашмай қўйган экан-да. Нима учун салом берганини ўзиям билмай қопти. Чол тўхтапти. Унинг саломига алик олипти-да, дебди:

— Менга қаранг, ўғлим, сиз нимадандир хафага ўхшайсиз? Нима гап ўзи, бахайрликми?

Чолнинг гапидан бояги киши ҳайрон қопти. Ўрганган кўнгил эмасми, яна ёлғон гапирибди:

— Ҳеч нарсадан хафа эмасман, кўнглим кундай равшан, — дебди. Чол мийғида кулпти.

— Шундай денг, — дебди унга ўт-кир тикилиб. — Дилингиздан нима кечаётганини билиб турибман-ку, нима қиласиз яшириб. Ундан кўра тўғриси айтсангиз бўлмайди. Мен сизга ёрдам беришим мумкин.

Нотаниш чолнинг салмоқлаб, ишонч билан дадил гапиршидан у довдираб қопти. Ҳатто тили қалимага келмапти.

— Сизнинг бутун фожиангиз ана шу ёлғон гапиршингизда, бўлар-бўлмасга қасам ичаверишингизда, ўғлим, — деб гапини бошлабди чол. — Сиз ҳатто меням алдамоқчи бўласиз, лекин хато қиласиз, мени алдаёл-

майсиз. Нимани ўйлаётганингизни билиб турибман, истасангиз айтиб беришим мумкин. — Ҳалиги киши борган сари ўзини йўқотиб, ҳатто оёқлари қалтирай бошлабди. Буни чол сезиб, унинг устидан кулпти. — Мана, ҳозир хавотирга тушмоқдасиз, оёқларингиз қалтирай бошлади. Мени, бу авлиёми, нима бало, деб ўйлаясиз. Тўғрими? —

У гапиролмай тасдиқлаган оҳангда бош ирғабди. Чол сўзида давом этибди. — Сиз каттаням, кичикням алдаб юрасиз, ҳа деганда «Худо урсин, нон урсин, ўлай агар» деб қасам ичасиз. Худо аллақачон уриб қўйганини билмайсиз.

Чолнинг гаплари уни қаттиқ изтиробга солибди. Нима дейишни билмай, гангиб чолга юзланибди. Чол уни гапиртиргани қўймай, яна сўзини

мак, менга Ҳазрати Хизр кўринибди-да», деб ўйлапти ўзига келгач.

Шу кундан бошлаб чол айтган ишларини бажаришга кириштипти...

— Ана ўғлим, — дебди бувиси Эргашга. — Ёлғончиликнинг, қасам ичининг оқибати нималарга олиб келишини билдингми? Шунинг учун биллиб қўй, қасам ичиш ақлли одамларнинг иши эмас. Ҳар бир қасам одамзод умрига бир зиёндир... Сен эса ўқитувчинг гапига иккиланиб, шубҳа билан қараб ўтирибсан-а. Ундай қилмаган, болам.

Эргаш бувисининг гапларини жон қулоғи билан тинглади, ўйлабди ўзича муҳокама қилди. Бир оздан сўнг бувисига термудди.

— Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмаганман, қасам ҳам ичамаганман, буви...

давом эттирибди:

— Майли, мен сизга берган саломингиз ҳаққи, яхшилик қиламан. Гапимни яхшилаб эшитинг. Аввало бирон мартаям ёлғон гапирмайсиз, ҳар қандай шароит, оғир ҳолат ёки воқеадан қатъий назар, ҳатто жонингиз кетиши аён бўлса ҳам рост гапирасиз. Ундан кейин мутлақо қасам ичмайсиз. Агар ёлғон гапирмасангиз, қасам ичишга зарурат ҳам қолмайди аслида. Яна бир нарсаси: кимники хафа қилган бўлсангиз, ундан кечирим сўрайсиз, тил учиде эмас, улар чиндан ҳам кечирганга ишонч ҳосил қилинг... Шундагина ҳамма ишингиз жойига тушади, одамлар ўз қаторларига қўшадилар...

Чол шундай депти-ю кўздан ғойиб бўлипти. Бу воқеадан ҳалиги кишининг бутун вужуди музлаб кетипти. «Де-

жон, — деди. — Бундан кейин ҳам шундай қиламан. Сўзларингиз ҳаммаша қулоғимда туради.

Бувиси Эргашнинг пешонасидан ўпди:

— Яша, ўғлим, шундай қилсанг умрингдан барака топасан. Ёлғончилардан, қасамхўрлардан худо асрасин. Ундайларга яқинлаша кўрма. Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деган гап бекорга чиқмаган, болам. Эргаш бувисининг қучоғига кирди. Бувиси уни ички бир меҳр билан эркаларкан:

— Бор энди, кийиминг алмаштир, овқатинг тайёр, совиб қолмасин. Тура қол, болажоним, — деди.

Эргаш бувисининг қучоғидан сирғалиб чиқаркан, ўзини қўшдай енгил ҳис қилди.



Суратчи: И. ШЕРБЕК

ОДОБЛИ БОЛА

5-ДАРС

Одобли болалар ҳамсабоқларининг китоб, жузгир, қаламдонларини титмаслар. Агар бир боланинг устидаги либоси ҳаддан оша кир бўлса ва ё йиртиқ бўлса ва ё ўқийдургон китоби йиртилган ва хатлари ўчган бўлса, ул бола шаксиз одобсиздур. Одобли боланинг китоб, жузгир, қаламдон, давот қўядиган жойи маълум бўлиб, мактабдан қайтганда ўша жойга қўяр. Ва мактабга келганда ўша ердан олар.

Китобларим қайда дея бақириб истаб юрмак айбдур.

Одобли бола бирор вақт ота-онасининг кўнгли қоладиган ишни асло қилмас. Бирор нарсга даркор ўлган вақтда узокдан туриб баланд овоз ила чақирмас. Одобли бола сўзлар вақтида қаттиқ овоз ила сўзламас. Уйига қариндош болалар келса, ғоятда мулойимлик ила улар билан суҳбат қилиб, уларни хурсанд қилур.

«Насихатнома»дан



МУҚАДДАС СИР

(Шотланд афсонаси)

Қадим замонда Шотландияда Пиктлар деган қабила яшарди. Улар қизил, калта сочли ва узун қўлли қиёфада бўлганлар. Пиктлар ўзлари тайёрлаган эп деб аталмиш маъхур ичимликлари билан ғоят фахрланишарди. Дарҳақиқат, бу ичимликнинг довуғи оламга кетган, ҳамма халқлар уни қандай тайёрлаш сир-асрорини билишни хоҳлашарди. Лекин Пиктлар буни ниҳоятда махфий сир туттишарди.

Кунларнинг бирида Пиктлар билан Скотлар ўртасида уруш бошланади. Унда Скотларнинг қўли баланд келади. Ҳамма Пиктлар ўлдирилди. Фақат бир ота ва бир ўғил қолади, холос. Шунда Скотлар шоҳи ота-бола асирни ҳузурига олиб келишни буюради. Буйруғи бажо келтирилгач, асирларга шундай дейди:

— Агар эп тайёрлаш сирларини айтиб берсанглар, сизларнинг жонингизни омон сақлашга сўз бераман. Аксинча, бошингизни танингиздан жудо эттираман.

— Яхши, — дебди асир ота подшоҳга. — Кўриб турибман, қаршилиқ кўрсатиш бефойда. Лекин эп сирини айтишдан олдин сенга бир шартим бор. Шунга бажарсанг барчасини ошкор этаман.

— Хўш, нима экан у шартинг! — сўрабди подшоҳ.

— Сен уни бажаришга сўз бераманми?

— Ҳа, ҳаммасини бажаришга сўз бераман.


— Ундай бўлса, биринчи навбатда, менинг мана бу асир ўғлимни ўлдиришинг керак. Шундан сўнг мен эп тайёрлаш сирини айтаман.

Шоҳ асирнинг бу гапидан ғоят ҳайратга тушибди. Лекин ваъдасига биноан болани ўлдиришга буйруқ берибди. Асир ота ўғлининг қатл этилганини кўргач, шоҳнинг олдида яқинроқ бориб, баланд овоз билан дебди:

— Эй шоҳ, сен мени ўз қабила-сининг муқаддас сирларини сотувчи аблаҳ деб ўйлаб, катта хато қилдинг. Тўғри, ўғлим ҳали ёш. Шунинг учун ҳам у қийноқларинингга чидай олмай, бор гапни айтиб қўйиши мумкин эди. Сендан уни ўлдиришни сўраганининг боиси ҳам шу. Энди эса мен ҳеч нарсадан қўрқмайман, хоҳлаганингни қилавер, лекин Пиктлар сирини билишга ҳеч қачон муваффақ бўлмайман!

Инглизчадан Зилола КАЛОНХОНОВА таржимаси.

1. Қадимги шотланд қабилаларидан бири. IX асрда шу мамлакатдаги бошқа бир йirik қабила — Скотлар томонидан бутунлай қирib ташланган.



ДУНЁ КЕНГ...

«Ёш талантлар ўз юрти ҳақида»

«ХОРАЗМ»

Бир шаҳарнинг подшоши бошқа бир шаҳарнинг подшоши билан жанг бошлабди. Бу жанг узок давом этибди ва биринчи подшо ғолиб чиқиб, иккинчи подшонинг 400 нафар аскарини асир қилиб олибди. Уларни ўлдиришни ўзига эп кўрмай, ўнг қўл вазиридан маслаҳат сўрабди. Вазирнинг маслаҳатига кўра, уларнинг барча қурол-яроқларини олиб, ўзларини чўли биёбонга олиб бориб ташлашни буюрибди. Подшо навкарлари 400 асирни одам юрса оёғи, қўш учса қаноти куйдиган ерга олиб бориб ташлабдилар.

Бир неча йиллардан кейин чўл қўйнида катта шаҳар пайдо бўлгачи, у ернинг одамлари роҳат-фароғатда турмуш кечираётганлари ҳақида шаҳарда шов-шув тарқалибди. Бу гапларни эшитган подшонинг эсида бир

нақтлар чўли биёбонга олиб бориб ташлаган асирлар ти-нибди. Подшо навкарлари билан йўлга отланибди. Келиб кўргач, одамлар чўли биёбонни богу роғларга айлантирганини англаб етибди. У инсон шунчалик нарсасига қодир эканлигига тан берибди. Ўша асирларни ўлимга ҳукм этмаганига хурсанд бўлибди.

Шунда подшо: бу ерда «хорлар азим» бўлибди-ку деган экан.

Шундан кейин бу ерларни «Хоразм» деб аташибди. Кейинчалик тилдан тилга ўтиб «Хоразм» бўлиб кетган экан.

Мана, ҳозиргача ҳам Хоразм деб аталади. Мен афсоналарга бой юртим билан доимо фахрланаман.

Рисолат НАРИМОНОВА
Урганч шаҳри.

Бу ўйиннинг биринчи шартини ҳар бир ўйовчининг қўлида саҳифада берилган жадвалнинг бўлишидир. Бошловчи бола ўйин қатнашчиларидан бирига 31 сонигача бўлган бирорта рақамни ўйлашни ва ўша рақам қайси устунларда жойлашганини айтишни сўрайди. Бошловчи ўйлаган бола айтган каттаклардаги биринчи сонларни бир-бирига қўшиб чиқиши керак.

Масалан, ўйнаётган бола 29 сонини ўйлаган бўлсин. У ўйлаган сони а, в, г, д утунларида борлигини айтади. Бу сонни топшиш учун юқорида қайд этилганидек, биринчи сонлар яъни 1, 4, 8, 16 сонлари бир-бирларига қўшиб чиқилади.

ҲИСОБ ЎЙИНИ

А	Б	В	Г	Д
1	2	4	8	16
3	3	5	9	17
5	6	6	10	18
7	7	7	11	19
9	10	12	12	20
11	11	13	13	21
13	14	14	14	22
15	15	15	15	23
17	18	20	24	24
19	19	21	25	25
21	22	22	26	26
23	23	23	27	27
25	26	28	28	28
27	27	29	29	29
29	30	30	30	30
31	31	31	31	31

А. АКБАР тайёрлади

БЕБАҲО ҲАЙКАЛ

Ассалому алайкум тенгдошлар! Мен Васила Орипованинг «Сирли ҳайкалчалар» жумбогини ўқиб, қизиқиб қолдим ва унга ўзимнинг жавобимни ёзаялман. Ҳайкаллarning қулоқларидан тиқилган похолпоянинг у қулоғидан, оғзидан чиқиши ва қулоғи ичида қолиб кетишини кўриб уни болалар орқали тасвирлаш керак. Шунда отининг ўғлига нима демоқчилигини биламиз. Биринчи қулоғидан тиқилган похолпоянинг оғзидан чиқиши, бу бирор кишининг айтган гапини «Оғзидан гуллаб қўйиши», яъни бошқа кишиларга айтиб қўйиши. Иккинчиси, нариги қулоғидан чиқиши, эшитган гапининг у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетиши, яъни гапга қулоқ солмаслиги. Ниҳоят учинчиси, похолпоянинг йўқ бўлиб кетиши айтилган гапни, насихатни қулоғидан олиб қоллиши, яъни унга амал қилиши. Шундай қилиб учинчи ҳайкалча бебаҳо. Бу дегани кишилар гапига қулоқ тутадиган одобли бодир.

Тўлқин ҚОРАЕВ, 5-синф ўқувчиси
Сурхондарё вилояти
Ўзун тумани

(59)41 «Оила ва жамият»

Танишинг азизлар, бизнинг «қахрамон» 30 ёшлардаги девқомат йигит. Қўҳна «қасб» соҳиб, яъни қиморбоз. Сизга маълум сабабларга кўра суҳбатдошимиз қайси вилоятда яшашини ва айнан қим эканлигини айтишмаймиз. Қимордан топилган пул — ҳаром. Ҳаромдан эса ҳазар қилиш керак.

ҚИМОРБОЗ

— Ҳаёт йўлини, у қандай бўлмасин, инсон ўз умрининг маълум бир босқичида танлайди. Сиз қачондан бошлаб қимор ўйнай бошлагансиз? Катта қиморбоз даражасига кўтарилишингизда сизга яқиндан кўмаклашган устозингиз ким?

— Ун-ун бир ёшлигимдан оқ ўртоқларим билан мактабдан бўшб, уй ишларидан озод бўлдимки, бирон-бир хилват жой топиб «хлус» ўйнар эдик. У пайтларда 5 ёки 10 тийиндан тос қўрилар, «патологи»ни эса бир сўмгача белгилаб қўяр эдик. Бошқаларни билмадимиз лекин мен бу борада бирор бир кишини устозим дея олмайман.

— Ўзбекистонда пулли қиморнинг неча тури бор ва қай бири кўпроқ ўйналади?

— Бизда пулли қиморнинг асосан олти (хлус, суvara, жокер, кунчинор, уч карта ва ошиқ) тури ўйналади. Шулардан суvara ва ошиқ Фарғона ҳамда Тошкентда кўп ўйналади. Хлус, кунчинор кабилар эса Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган. Бухоро томонларда эса жокер ўйини авжига чиққан. Уч картанинг бозори эса ҳамма жойда чаққон.

— Ўзингиз олти хилини профессионал қиморбоз даражасида ўйнасангиз керак!..

— Барчасини рисоладагидек ўзлаштирган бўлсам ҳам асосан хлус устасиман ва кўпроқ шу ўйинни мақбул кўраман.

— Қартабозлар доирасига кўпроқ қайси тоифадаги одамлар киради?

— Ҳамма тоифаси бор. Савдогарлар, артистлар, чўпон ёки оддий деҳқон. Ҳатто, шундай одамларни билмаганим, ёзи билан мардикорлик қилиб пул йиғишадими, бир қимор мавсумида бор-йўғларидан айрилишади.

— Айтинг-чи, энг катта хлусли давраларда ҳозир қанчадан пул тикилади?

— «Тоси» (яъни ҳар бир карта ўйнайдиган кишининг ўзи учун ўртага тикадиган пул)ни 100-150 сўмдан қилиб белгилаш одат тусига кириб қолган. «Патологи» (ўртага қўйилган пулдан ташқари тикиладигани) 25 минггача бўлган давраларда ўйнаб кўрдим.

— Қимор ўйнайдиган махсус жойлар кўпми ва уларнинг дахлсизлиги қандай таъминланади. Агар сир бўлмаса!..

— Мен ўзим кўп жойларда «гастролида бўлганман. Жиззах, Сурхондарё ва қўшни Тожикистонга йилига тўрт-беш маротабалаб бориб келамиз. Ўз навбатида улар бизникига меҳмонга келишади. Ҳамма жойда қиморбозлар хавфсизлигининг кафили мезбонлар ҳисобланади. Ўйинлар эса махсус тайёрланган жойларда бўлади. У жойларда 20 ёки 30 кишилаб қиморбозлар йиғилиб, уч ёки тўрт даврага бўлиниб, аксарият ҳолларда вилоятма вилоят бўлиб ўйна-

шади. Бир бошланган ўйин ўн, ўн беш кунга чўзилиб кетиши мумкин. Ўз вақтида ҳордиқ чиқаришимиз (агар зарур деб топсак) дастурхонимиз тўкин-сочин бўлиши, уй эгасининг, қиморбозлар тилида айтганда, чўталчининг вазифаси. Бунинг вазифага у ҳар бир хлус келганда 50 ёки 100 сўм пул билан сийланади. Уч ёки тўрт суткада у 10—12 минг сўм билан сийланади.

— Ўзингиз бир суткада кўпи билан қанча ютгансиз? Йиллик даромадингиз қанча?

— Бир кеча-кундузда 20-25 минг ютган пайтларим ҳам бўлган. Емоқнинг қусмоғи ҳам бор дейишганидек, худди шунча пулни ютқазган пайтларим ҳам бўлган. Худода шукурки, кўп йиллардан бўён умумий ҳисоб менинг фойдамга ҳал бўлиб турибди. Ўтган йилги кишки мавсумда 300 мингдан ортиқроқ даромад қилдим.

— Қиморбозларда ҳали ҳам ўй-жойини тикиб юбориш ҳоллари учрайдими?

— Шахсан ўзим бир воқеанинг гувоҳи бўлганман. Вилоят марказида яшовчи бир қиморбоз оғайним «гостролер» корейс болаларга бир оқшомда 380 минг ютқазиб қўйди. Сўнг беш сотихли ери билан тўрт хонали уйини ўртага тикди-ю, бахти чоғиди. 200 мингини қайтариб ютиб олди. Бунда қимор ўйнаш кўпинча одамни хо-

навайрон қилади.

— Қиморбозларнинг ҳам ўз қонунлари борми? Бу қондалар доимийми ёки ўзгариб турадими?

— Ҳа, ўзимизга яраша қонунларимиз бор. Дунёда доимо барқарор нарсанинг ўзи йўқ, шу каби бизнинг қондалар ҳам ўзгариб боради. Жамиятдаги ўзгаришлар ҳаммага таъсирини ўтказди. Қимор оламида анча қонунлар қайта кўрилиб, биз ҳам «демократлашиб» қолдик. Масалан, илгари қиморбозлар ўйинининг бошидан охиригача ўйнашлари шарт, фақатгина бор-йўғларидан ажралсалар ўйиндан чиқишлари мумкин эди. Ҳозир эса ҳар бир қиморбоз нақд 24 соат ўйнаб, хоҳласа ўйини тарк этиш ҳуқуқига эга, фақат бу тўғрида ўйин бошида барчани огоҳлантирса бас.

— Қарта алиштирган ёки хол қўйиб ўйнайдиганларга нисбатан қандай чора кўрилади?

— Қарта алиштирмайдиган ёки хол қўймайдиган қиморбознинг ўзи йўқ. Ҳамма гап ўша «иш»ларни ҳаммидан қил суғургандек қилиб амалга оширишда. Уддаласанг — ошинг бўлсин, қўлга тушсанг бошинг маломатга қолади. Ўша дақиқанинг ўзида «разбор» қилишади ва бор-йўғингдан маҳрум бўласан.

Биз — катта қиморбозлар иложи борица уруш-жанжал

чиқармасликка, ҳамма ишқалларни қонунимиз доирасида «маданият» билан ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Жуда бўйни йўғонларга «яхши»лаб тушунтиришга тўғри келади.

— Қимор мавзусидан оқлангизга кўчсак.

— Уйланганимга ўн йилча бўлиб қолди. Учта фарзандим бор. Янгангиз уй-рўзгор ишлари билан банд, ота-онамнинг иссиқ-совуғидан доим хабардор. Сўроқсиз остана ҳатлаб кўчага чиқмайди. Рўзгоримиз бут. Нима керак бўлса ўзим, сафарда бўлсам укаларим етказиб беришади.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Бадий китобларни мутолаа қиламан, мўъжазгина кутубхонам бор. Дунё ҳабарлари ҳам менга бефарқ эмас. «Эрк» газетасини, «Постдани», кўпроқ Урусия газет ва журналларни кузатиб бораман. Ўзимизникидан кўра «Останкино» телевидениеси менга маъқулроқ. Айниқса, «Новости», «Взгляд», «Казино», «Поле чудес»лар жони-дилим.

— Ушалмаган орзуларингиз борми?

— Ҳа, медек бўлмоқчи эдим, Тошкентга бориб САМПИдан йиқилганман. У пайтда қўл калталиқ қилган. Энди ёш кетиб қолди.

Суҳбатдош
Хушвақт АБДУЛЛО

«АВЛИЁ»

АҚАМО-ОВ!..

Ажаб замона келди-да. Қай томонга қарасанг, бир мўъжиза. Ишонай десанг, жуда ваҳима, ҳар тугул ишонмаслик осонроқ. Аммо...

Жаноб Евгений Березниковнинг башоратчи бўлиб қолгани мени «лол» қолдирди. (Лекин инкор этмоқчи эмасман, бўлса бордир). Собиқ фирка амалдорларининг шунча қароматлари бор экану билмай юрган эканмиз. Шу кунгача бўладиган барча ҳодисаларни аввалдан айтиб қўя қолганда-ку тайёргарлигимизни кўриб турардик-а. «Сирли олам» журналининг бир неча (1991 йил) сониди жаноб Евгений ўзининг учинчи минг йилликда бўладиган воқеалар ҳақидаги башоратини эълон қилди. Балки унинг башоратлари тўғридир, ҳақиқатан у айтган ҳодисалар юз берар, билмадим, бу ёлғизгина Аллоҳга аён. Мен бошқа нарсга ҳақида гапирмоқчиман. Ул зот ўша башоратларида айтишча, гўё йигирма биринчи асрда янги дин пайдо бўлар эмиш, бу дин коинот Олий Рухининг дини бўлар экан. (Шу ўринда эътироф этишим жоизки, зеро, мен дин илмининг билимдони эмасман. Коинот Олий Рухи — бу Худо деганими?) У кишининг ўзлари айтишча, ўша Олий Рух билан кўришгандилар ҳам. Агар янглишмасам,

хатто Пайғамбаримиз ҳам Аллоҳ таоло билан юзма-юз кўришмаганлар. Епирай!.. (У-в, азизлар, шакколик ҳам эви билан-да. Ахир улў китобимиз Куръони Каримда Исломи дини — сўнгги дин, Мухаммад пайғамбаримиз — энг сўнгги пайғамбар эканликлари ёзиб қўйилган-ку. (Тагин у киши барча динларни баробар ҳурмат қилар эмишлар).


Камина бу нарсаларни ёзмас эдим. Кимдир гапирди, қўйди-да, кечиримли бўлайлик, дея унутиб юбормоқчи эдим. Лекин яқинда «Оила ва жамият» газетиди жаноб Евгенийнинг Пахлавон Содиқ билан қилган суҳбатида айтган гаплари жуда ошиб кетди. Қаранг-а, жаноблари уч динга баб-баробар сифинар эмишлар. Бу ҳолни журнал-лист ҳам ҳайрат ва мароқ билан ҳикоя қилибди. Майли, сифинаверсинлар-у, вале икитагина оёқни бир неча қайиққа қўйиб бўлмайди-ку. Қолаверса, мавжуд динлар бир-бирларида бўлган баъзи нарсаларни инкор қиладилар. Айниқса, Исломи дини будда — буюмларга сиғишни, фолбинлик, жодугарликни қаттиқ қоралайди. Динимизда шайтон, инсу жинслар ҳар қандай одамни йўлдан оздириши ҳақида кўп бор таъкидланади. Қолаверса, ахир бу оддий ман-

тиққа ҳам тўғри келмайди-ку. Аввало астафурилло-ку, аммо мен аввал чўқиниб, сўнг юзига фотиҳа торган одамни тасаввур ҳам қилолмайман. Ва ниҳоят мусулмонлиқнинг кишининг танида бажариладиган амаллари ҳам бор, бўёғи нима бўлади!..

Бу ҳаракатларнинг замирида назардан четда қолмаслик, содда одамларни лол қолдириш каби фикр ётади. Ҳозирги кунда ўзбекларнинг таранг тортилган торлари мавжуд. Амир Темур ҳазратлари ва Шароф Рашидов ҳам ана ўша таранг торлардан. Шуларни четтас, ҳалқнинг қалбига етиб бориши мумкин. Яъни «Ш. Рашидов мени қақриб, Амир Темур ҳақида рўмон ёзишимни айтган» («Оила ва жамият» 1992 йил 26-сон) дейиш кифоя.

Балки «авлиё» жаноблариди ҳақиқатан ҳам ноёб қобилият бордир. Унда майли, бемалол шуғулланаверсинлар ўз ишлари билан. Фақат динларни, Аллоҳни тинч қўйсинлар. Майли эди бундан 15-20 йил аввал бу кунги бўладиган воқеаларни ёзиб қўйганларида ҳам (ҳеч ерда босилмаса ҳам). Бу ҳаммаси ақллилик балоси, холос...

Наби ЖАЛОЛИДИН



«ҲАР НЕКИ БУНДАДИР: БОРЛИҚҚА ЧИРОЙ...»

Суратчи: С. МАҲКАМОВ



Олмониянинг
Ўзбекистондаги
мухтор элчиси
жаноб Кунанинг
рафиқаси Марие
Агнес хоним билан
суҳбат

ОЛМОНЛАР ЭРТА ТУРМУШ ҚУРМАЙДИЛАР

— Муштарийларга ўзини-
гизни таништирсангиз!

— Исмин Марие Агнес Кунан. Олмониянинг Ўзбекистондаги мухтор элчиси жаноб Кунанинг рафиқасиман. Уч нафар фарзандимиз бор. Улар ўқиётганликлари учун Олмонияда қолишди. Катта ўғлимиз Ҳайделбергдаги ҳуқуқшунослик олийгоҳида давлат имтиҳонларини топшириш арафасида. Қизимиз яқинда бир можор мударисига турмушга чиқмоқчи. Бўлажак кўевимиз Можори-стонда доцент, қизимиз эса ўша ерда бир йўла олмон тили филологияси ва тиббиёт

факултетларида таҳсил олмакда. Кенжаотимизни эса Швейцария чегарасига яқин жойдаги бир интернатга берган эдик. Мактабни тугатишга бир йил қолганлиги учун

бирга олиб келолмадик.

— Жаноб Кунан билан қачон, қаерда танишгансиз!

— Биз Парижда танишиб қолганмиз. У Парижда докторлик диссертациясини ёқлаётган пайт эди. Мен эса мактабни тугаллаб, Париждаги олийгоҳга ўқишга киргандим. Тўйимиз бўлганда йигирма иккида эдим. Ҳозир эса бизда йигирма икки ёшда турмушга чиқиш жуда эрта ҳисобланади.

— Катта ўғлингиз уйландир!

— Йўқ, ҳали уйланмаган. У 26 ёшда, ўқишини тугатиб, ўзи пул топадиган бўлгандан кейин уйлантирмоқчимиз. Биласизми, Олмонияда болалар мактабни йигирма, йигирма бир ёшда тугатишарди, чунки бизда мактабни тугатгандан кейин етуқлик аттестатини олиш учун яна уч

йил ўқилади. Бу ўқиш абитур дейилади. Сўнгра олийгоҳлардан бирида 5—7 йил ўқиб, йигитлар ҳарбий хизматни ҳам ўташлари керак. Улар бирор бир касбни эгаллаб, пул топадиган бўлганда аллақачон ўттизга бориб қолади. Шундан кейингина оила тебратишга қодир бўлишади, акс ҳолда барча ташвиш яна ота-онанинг зиммасига тушади. Ешларимизнинг жуда кеч оила қураётганликларининг асосий сабабларидан бири мана шу.

— Қизлар неча ёшда турмуш қуришади!

— Улар ҳам тахминан шунга яқин, аммо қизлар ҳарбий хизматдан холи бўлишгани учун икки-уч йил эртарақ уй-жойли бўлишади. Маълумотларга қараганда, Олмониядаги аёлларнинг 80 фоизи олий ёки ўрта махсус маълумотга эга экан.

— Тўйларингизга қанча меҳмон таклиф қилинади!

— Уртамиёналарига эллик-олтмиш; катта тўйларга юзтагача одам қақрилади.

— Олмон оиласида неча фарзанди бор оилалар кўп болали ҳисобланади!

— Учта фарзандимиз бўлгани учун биз ҳам илгари серфарзанд ҳисобланардик. Умуман Олмон оилаларида битта ёки иккита фарзанд бўларди. Ҳозир эса ўрта ҳисобда учта фарзанд бўлса табиий ҳисобланади. Тўрттага етса, демак кўп болалик дейиш мумкин.

— Ўзбек аёлларига қандай тилакларингиз бор!

— Севимли ўзбек дугоналарим, опа-сингилларим! Мен сизларга қадимий шарқ аёлларидек зукко ва ибобли бўлиб қолишларингизни тилайман.

Йўлдош ПАРДА

«ЭРИМДАН САБОҚ ОЛАМАН»

Суҳбатдошим Маликахон отинойи Фаргона вилояти, Оқунбобоев тумани, Бўстон маҳалласининг имоми Анваржон Қодиржон ўғлининг аёли.

— Отинойи, эскичани илк бор сизга ким ўргатган!

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм. Отамнинг оталари катта домла бўлган эканлар. Мен ўша кишининг қўлларида тарбия олганман. 20—21 ёшимда эса катта отинчага бериб, ўқитишди.

— Неча ёшингиздан намоз ўқийсиз!

— 10—11 ёшимдан.

— Қизларимизнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ўйларингиз!

— Аслида ҳамма қизларимиз ҳам яхши. Бир-бирининг таъсирига тез берилади. Аста-секин мана, инсоф бериб рўмол ўрашяпти. Сал тушуниб қолганлари, ҳатто юзларини ҳам яширишяпти. Ўшанинг кўпчилиги жуда эркин, очик юришади.

— Исломда аёлларга паранжи ёпиниш айтилмаган экан. Шу гап тўғрими!

— Тўғри, паранжи ёпиниш айтилмаган, лекин юзини номаҳрамлардан берки-тиб юриш таъкидланган.

— Эрталаб нечада ўйғонасиз!

— Уч ярим-тўртларда тураман. Болаларимни уйғотиб, намоз ўқийман. Кейин бироз китобга қарайман. Эрталаб ўқиса яхши-да.

— Эрта туришнинг хосияти нимада!

— Эрта туришнинг хосияти — одам ризқсиз қолмайди, эшикдан барака қолмайди. Нимаки тилаги бўлса, Оллоҳ таоло беради.

— Сабоқларингиз рўзгор ишлари билан қолиб кетмаяптими!

— Йўқ, иш унчалик кўп эмас. Кўпроқ эримдан сабоқ оламан. Аслида аёл киши иш-ламаслиги керак. Етишмовчилик бўлганлиги учун ишлашади. Шунга ўрганиб қолишган. Шунингдек, аёл кишининг пулини эркаклар ишлатмасликлари керак. Улар учун бу пул ҳаром ҳисобланади.

— Битта-ю битта қизингизни ким бўлишни хоҳлардингиз!

— Илмли бўлишини, олган илмини эса бошқаларга ўргатишни хоҳлардим. Турмуш қуриб фарзандларини яхши тарбияласин. Ҳозирдан шун

га тайёрлапмиз, рўмол ёпинади, беш вақт намозини ўқийди, кўчага вақти бамаҳал чиқвермайди.

— Сизнингча энг оғир гуноҳ нима!

— Энг ёмони ота-онани ранжитиш. Худойим ҳам ота-онанинг дилига озор берган фарзанднинг гуноҳидан

кечмайман деган экан.

— Охириг савол. Опа-сингилларингизга тилакларингиз!

— Аввало, ҳаммамиз инсофли бўлайлик. Намозимизни қанда қилмайлик. Уй-рўзгорга яхши қараб, фарзандларимизга яхши тарбия берайлик. Истагим, аёллар далада оғир ишларни бажаришмаса, рўзгорга етарлигини эри топиб келса, ҳаёли-ибобли бўлишса дейман ва буларни ич-ичимдан куйиниб ўйлайман.

УКТАМОЙ суҳбатлашди
Тош ДД толибаси



ҚИШГА ТАЙЕРГАРЛИК

Уза сурати

Бош муҳаррир:
Абдуҳошим
ИРИСБОЙ

ТАҲРИР
ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ
Жуманазар
БЕКНАЗАР
Дадахон
ЎҚУБОВ
Мухаббат
ИБОДОВА
Тўлқин ҲАЙИТ
Юсуф ЗИЁД
Бош муҳаррир
ўринбосари
Ботир ЭРНАЗАР

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бахтиёр
ЭГАМБЕРДИЕВ
Қувондик
БЕРДИЕРОВ
Мейли
ИУЛДОШЕВ
Рўзимат
САФОЕВ
Абсалом
УСАНОВ
Урол
ЎЗБЕК

Таҳририят
келган хатларга
ёзма жавоб
қайтармайди.
Шунингдек,
фуқаролар
билан
ташкilotлар
ўртасида
воситачилик
ҳам қилмайди.

Газетамиздан
олинган
маълумотлар
«Оила ва
жамият»дан
деб кўрсатилиши
шарт.

Газетамиз
ҳомийлари —
Тошкентдаги
СЗВИЖ
тижорат жамияти,
Ғаллаорол
туманидаги
«Ғаллаорол»,
Муборак
туманидаги
Хитой давлат
хўжалиги,

МАНЗИЛИМИЗ:

700029,
Тошкент — 29
Намоёнлар
хўбони,
1-бино.
Телефон:
39—43—95
Обуна
индекси 4654
Бюроғта 42

Ўзбекистон
Республикаси
«ШАРҚ»
нашриёт —
матбаачилик
концерни
Тошкент шаҳри



АБДУҚАҲХОР МАЪРУФАЛИЕВ РАФИҚАСИ
БИЛАН ТҮЙ ОҚШОМИДА

«Пахтакор»чилар етиб келишди. Тўй бошланиб ўйин-кулги авжига чиққан бир пайтда элнинг севимли хонандаси Фиёс Бойтоев даврага кириб келди ва ўзини халққа танитган кўшиқларидан тўрт-бештасини айтди. Назаримда худди шу бугунга келиб тўйда йиғилганларнинг ёдидан «Пахтакор» жамоасининг барча мағлубиятлари унут бўлгандек эди. Меҳмонлар йиллар оша ўз севган футболчилари ютқазган пайтларда юракларига чўкиб қолган аламларнинг баҳридан бир йўла ўтиб юборганди. Чунки улар бугун «Пахтакор» билан ҳар галгидек ўйингоҳда эмас, балки тўйхонада ўтиришганди.

Аслида, Абдуқаҳҳор Маъруфалиевнинг катта футболга кириб келишида отаси Турғунбой аканинг меҳнатлари катта. Бироқ, наилож,



АБДУҚАҲХОРНИНГ ОНАСИ ГАВҲАР АЯ

«ПАХТАКОР»ГА КЕЛИН ТУШДИ

Бундан уч йилча муқаддам жаҳоннинг энг моҳир ва доврқли футболчиси Диего Армандо Марадона уйланганда дунё матбуоти «футбол қиролининг тўйига 2000 дан ҳам ортиқ меҳмонлар келди. Марадонанинг обрўси илгаригидан кўра яна бир неча баробар ошиб кетди» дея оламга овоза қилганди. Мана тўй навбати «Пахтакор»га ҳам етиб келди. Таниқли ҳужумчи Абдуқаҳҳор Маъруфалиев ўзининг бахт ва висол оқшомига Ўзбекистоннинг энг чаққон футболчиларидан 20 га яқинини таклиф этди. Тўйга келганларнинг сони эса салкам 3000. Уларнинг орасида бир неча журналистлар, таниқли мураббийлар, халқ севиб тинглайдиган кўшиқчилар ҳам бор эди. Демак, бизнинг Абдуқаҳҳор ҳам Марадонадан қолишмас экан.

Уша куни тўйга келган қизларнинг деярли ҳамма-хаммаси келин бўлиши Дилфузахонга роса ҳавас қилишган бўлса ажабмас. Чунки кимсан, бутун мамлакатимизга донг таратган спортчининг покиза жуфти ҳалолисан-да! Бундай бахт менимча ҳар қандай қизга ҳам насиб қилавермайди. Шунингдек, футболчининг ораста аёли бўлиш-лик ҳам «менман» деган қизларнинг қўлидан келавермас керак. Бу борада Дилфузахон етти ўлчаб бир кеса-диган ойбарчинлардан сабоқ олган кўринади.

Гавҳар опа Абдуқаҳҳорнинг энг яқин қариндошларидан. Қўл-оёғи чаққон, юзидан нур ёғилиб турадиган, тили бурро аёл. У киши куёв томондан Тошкентга совчи бўлиб келган биринчи кунни куйидигача эслайди.

«Келин тушмағурининг хонадони «Пахтакор» стадионидан ҳам узоқда экан. Дастлаб мени Дилфузахонларнинг уйига Абдуқаҳҳорнинг футболчи дўсти Шухрат Максудов машинада олиб борди. Биласизми, келиннинг онаси бошида унчалик хушламай-роқ гап бошлади, сал-пал тихирлик ҳам қилгандай бўлди: «Биз қизимизни қишлоқда яшайдиганларга бермасак керак, биринчидан, йўл узоқ. Иккинчидан, Дилфузахон ша-

ҳарда ўсган, борди-ю тўйга розилик берсак у сизларни ҳам, ўзини ҳам анча-мунча қийнаб қўйиши мумкин». Сўз навбати менга келганда эса кутилмаганда қизингиз Абдуқаҳҳор билан анчадан буён таниш, бир-бирига кўнгли берган, деб айтиб қўйибман... Шу билан ўртаимиздаги ва-зият ўзгарди. Биз билан ён-ма-ён ўтирган келиннинг отаси — ёшлар келишган бўлса келишгандир, аммо биз ҳам қариндошларимиз билан ўзаро маслаҳатлашиб олишимиз шарт, икки-уч кундан кейин яна бир хабар олинг, — деди. Шу-шу мана кўриб турганингиздек Дилфузахон қишлоғимизга ойдеккина келин бўлиб тушмоқда».

Гавҳар опа гапини тугатган, Абдуқаҳҳорнинг онаси Робияхон аядан ҳам тўй ташвишлари билан боғлиқ айрим нарсаларни сўраб олдим.

— Онажон, келин қанчага тушди?

— Вой айланай, бепул. Қудамиз кўпни кўрган кай-вони кишилардан экан, қалин талаб қилмади. Тўй харажатларини ҳам тенгма-тенг баҳам кўрдик.

— Абдуқаҳҳорни уйлантириш фикри дастлаб кимдан чиқди?

— Мен унинг акаларига бор гапни айтдим. Улар эса ўз ўрнида укасининг қўлоғига қуйишди. Келин топиш масаласида эса — биз танлайликми ёки ўзининг танлаганини борми? — деб сўрагандим Қаҳҳоржоним кўнглидагини айтди. Ҳай, шунисига шукур, дедик-да, тўйни бошлаб юбордик.

— Борди-ю Абдуқаҳҳор Дилфузахон билан таниш бўлмаганда, келинни қаердан танлаган бўлардингиз?

— Билмадим, жоним. Эҳтимол, ўғилгинам келин топишни ўзимизга қўйиб берармиди, ишқилиб бундан буюғига болаларимнинг бахтини берган бўлсин-да...

Тўриси Қаҳҳоржоннинг тўйига бунчалик кўп футболчиларнинг йиғилишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Ҳали келин-куёв ўртага чиқмасданоқ катта автобусда



«ПАХТАКОР»ЧИЛАР ТҮЙДА

кўргулик экан, у кишига футболчи ўғлининг тўйини кўриш насиб қилмади.

Утган йилнинг ёзи. Турғунбой ака катта ўғли Юсуфжонга эртага иккаласи Тошкентга боражагини, Абдуқаҳҳорнинг ўйинини бевосита ўйингоҳда туриб кузатажагини тайинлади. Режалаштирилган фурсат етиб келди. Юсуфжон ака машинасини ўт олдириб, отасининг олдига борди. Аммо Турғунбой ака кутилмаганда бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолган экан. Футбол бошланишига уч соат вақт қолганда тақдир уни тириклар дунёсидан олиб кетди. Шу-шу Робияхон она ҳам, Юсуфжон ака ҳам Абдуқаҳҳорнинг барча-барча таниш-билишлари ҳам ушбу кўнни алам билан эслайди. Отанинг битта-ю битта армони ушалмай қолди...

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Мана Тошкент вилояти Янгйўл туманидаги Н. Ниёзов номи жамоа ҳўжалигида яшовчи Маъруфалиевлар хонадонига келин тушди. Бу Робияхон онанинг учинчи келини. — Эндиги навбат кенжа ўғлим Абдужабборга, — дейди онажон кўзларидан халқа-халқа оқиб келаётган қувонч ёшларини артаркан.

Нормурод МУСОМОВ

Муштариий фикри

ПАЛОВ ЕГАНДАЙ БЎЛАМИЗ

«Оила ва жамият» газети ташкил этилганига бир йил бўлди холос. Ва шу даврда у гўё юз йиллардан бери қадрдон нашрдек ҳаммамизга ёқиб қолди. Мана бизнинг оиладан мисол: алоқачи газетни келтирган кунни уйда байрамдек. Аввал отам бошдан-оёғи ўқиб чиқадилар. Кейин мен бир ҳарфини қолдирмай ўқийман, кейин турмуш ўртоғим қўлга олади. Сўнг муҳокама қилиб, мақтаб ўтирамин. Бу сўзим қизиқ туюлар, аммо рост. «Оила ва жамият»ни ўқиган кунни гўё мазада палов еган одамлардай хурсандимиз...

Шу бойсдан газетингизга келгуси йил обунаси эълон қилинган, биринчилардан бўлиб ёзилдик.

Худойберди ЖАББОРОВ, хизматчи.
Хоразм вилояти, Боғот тумани, Қизилравот қишлоғи